ТУРК ТИЛИДА ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ ИФОДАЛАНИШИНИНГ ЛЕКСИК УСУЛИ ХУСУСИДА

О ЛЕКСИЧЕСКОМ СПОСОБЕ ВЫРАЖЕНИЯ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

ON LEXICAL WAY OF POLITNIESS CATEGORY IN THE TURKISH LANGUAGE

Xolida K.IMAMOVA,
Tashkent State University of Oriental Studies Tashkent
Departmen of Turkish Filoloji
PhD, Associate Professor.
imamova.h68@gmail.com
100060, Tashkent city, Amir Temur street 20,
Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/10

Аннотация: *Ушбу мақола турк тилида ҳурмат категориясининг лексик-морфологик шаклда ифодаланишига бағишланган. Турк тилида ҳурматни юзага келтирувчи лексик-морфологик воситалар аниқланган ва уларнинг услубий хусусиятлари очиб берилган. Турк тилида ҳурмат ифодаловчи сўзларнинг кўплиги тилда ҳурмат категориясининг ифодаланиш даражаси такомиллашганидан далолатдир. Ҳурмат ифодаловчи лексик воситаларни фаоллиги ва мазмунига кўра қуйидагиларга ажратилади: кишилик олмошлари, қариндошлик атамалари, ҳурматни ифодаловчи лексик бирликлар.*

Турк тилида ҳурмат, асосан, кишилик, ўзлик ва сўроқ олмошларида акс этади. Ҳурмат маъносини ифодаловчи лексемаларнинг семантик тараққиёти, семалари ажратилиб, ҳурмат ифодаловчи янги маънолари аниқланган. Олмошларнинг маъно зидлигини таъминловчи стилистик жиҳатлари ёритилиб берилган. Шунинг билан бирга олмошлар ўрнида bendeniz, köleniz, kulunuz каби сўзларни қўллаш орқали сўзловчининг тингловчига бўлган юқори даражадаги ҳурматнинг ифодаланиши баён этилади. Қариндош-уруғчилик атамаларидаги ҳурмат маъносининг ўзига хос томонларига эътибор қаратилган. Кишилик жамиятида мулоқот, аввало, унинг атрофидагилар, яқинлари билан бўлган муносабат асосида шаклланади. Шу боис қариндошлик атамаларининг ҳурмат ифодалаш функцияси қадимийроқдир. Ҳурматни ифодаловчи баъзи лексик бирликлар қаторига hanım, efendi, bay, bey сўзлари ҳам киради. Ҳурмат категориясида "аёл" маъносини ифодаловчи hanımefendi, hanım, bayan, kadın, hatun, karı **сўзлари синонимик қаторни ташкил этади. Тартибланиш ҳолатига кўра улардаги ҳурмат даражаси энг юқоридан нейтрал даражага қараб пасайиб боради**.

Ушбу мақолада тилга олинган лексик бирликларга ҳамроҳлик қилувчи қўшимчалар тадқиқ этилган. Булар қаторига т (-im, -ım/ -üm, -um) қўшимчаси, -lar, -ler қўшимчаси киради. Таъкидланган қўшимчалар ўзининг категориал вазифасидан ташқари, нокатегориал яъни функционал жиҳатдан ҳурмат ифодалашда қўлланилиши ҳақида фикрлар баён этилади. Морфологик шакллар лексик воситаларга ҳамроҳлик этиши билан бирга мазмунни тўлдиришга хизмат қилиши кузатилади. Турк тилида ҳурматни юзага келтирувчи лексик-морфологик воситаларнинг ўзига хос жиҳатлари мана шу таъкидланганлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *турк тили, ҳурмат, олмош, қариндошлик атама, лексик бирликлар.*

Аннотация: *Данная статья посвящена лексико-морфологическому способу передачи категории вежливости в турецком языке. Выявлены лексико-морфологические средства передачи вежливости в турецком языке и их методологические особенности. Обилие слов уважения в турецком языке свидетельствует о том, что уровень выражения категории вежливости в языке обширен. По активности и содержанию лексические средства вежливости делятся на: личные местоимения, термины родства и лексические единицы, выражающие вежливость.*

В турецком языке категория вежливости наглядно проявляется в личных, вопросительных, а также в собственных местоимениях. Выявлено семантическое развитие лексем, отражающих категорию вежливости, выделены семы, показывающие новое содержание этой категории. Описана стилистическая оппозиция местоимений. Вместе с этим употребление таких слов как bendeniz, köleniz, kulunuz вместо местоимений показывает повышенную вежливость говорящего по отношению к слущающему. Особое внимание уделено употреблению терминов родства для выражения категории вежливости.

Как известно, отношение между членами общества формируется на основе отношений отдельных индивидов. Надо отметить также, что передача вежливости при помощи терминов родства является более древней. К некоторым лексическим единицам, выражающим вежливость, относятся слова hanım, efendi, bay, bey. В категории вежливости синонимами являются слова hanımefendi, hanım, bayan, kadın, hatun, karı, что означает «женщина». Последовательность вышеперечисленных слов отражает уровень вежливости от высшего к нейтральному.

В статье также рассматриваются окончания, которые сопровождают упомянутые лексические единицы. К ним относятся окончание т (-im, -ım/-üm, -um), окончания -lar, -ler. В статье отмечается, что помимо своей категориальной функции, вышеупомянутые

окончания считаются некатегоричными, то есть функционально используемыми в выражении вежливости. Отмечается, что морфологические формы сопровождают лексические средства и служат для дополнения содержания. На основе этих акцентов раскрываются особенности лексико-морфологических средств употребления вежливости в турецком языке.

Ключевые слова: *турецкий язык, уважение, местоимение, термин родства, лексические единицы.*

Abstract. *The current article considers the lexicological way of conveying the category of politeness in the Turkish language. It identifies the lexicological means of expressing polite-ness in the Turkish language and their methodological features. The abundance of words of respect in the Turkish language indicates that the level of expression of the category of politeness in the language is extensive. By activity and content, personal pronouns, terms of relationship, and semantic units expressing politeness are parts of lexical means of courtesy.*

In Turkish, the category of politeness is manifested in personal, interrogative, and also in proper pronouns. Revealed the semantic development of lexical units, thus reflecting the politeness category. The content illustrates the stylistic features' use of pronouns that convey inconsistency. At the same time, instead of pronouns, the use of words such as bendeniz, köleniz, and kulunuz shows the high level of politeness of the speaker concerning the hearer. Moreover, there is an emphasis on the utilization of kinship terms to express the category of courtesy. As you know, the relationship between members of society is formed based on the relationship of individuals. Therefore, the transmission of politeness using kinship terms is more ancient. Some lexical units expressing good manners include the words hanım, efendi, bay, and bey. In the category of politeness, synonyms are hanımefendi, hanım, bayan, kadın, hatun, kari, which means "woman". The sequence of the above expressions reflects the politeness level from highest to neutral.

The article also discusses the endings that accompany the mentioned lexical units. These include ending with m (-im, -ım / -üm, -um) and ending with -lar, -ler. Besides their categorical function, the above endings are non-categorical and functionally occur in expressing politeness. The article depicts that morphological forms accompany lexical means and serve to supplement the content. The features of lexical and morphological means of using politeness in Turkish are revealed based on these accents.

Keywords*: Turkish language, respect, pronoun, kinship term, lexical units*

КИРИШ

Турк тилида ҳурмат ифодаловчи сўзларнинг кўплиги унда ҳурмат категориясининг ифодаланиш даражаси такомиллашганидан далолатдир. Ҳурматни билдирувчи лексик воситалар, уларнинг ранг-баранглиги тадқиқотчи учунгина эмас, балки тил ўрганувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам муҳим саналади. Чунки жонли тилда ана шундай воситаларни фарқлай олиш талаб этилади, сўзлаганда ёки ўзгалар нутқини тинглаганда ҳурмат билдирувчи воситалар маъносини тўғри англаш муҳимдир. Бу сўзловчининг балоғат даражасини кўрсатади (Rustamiy S., 2018: 16); (Rustamiy S., 2019 (4): 14).

Лексик бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган, маълум мақсадларда нутқ жараёнига олиб кириладиган мустақил, луғавий маънога эга бўлган сўз, қўшма сўз, ибора, тасвирий ифодалардир.

Ҳурмат билдирувчи лексик воситаларда тил тараққиётига хос муҳим қонуниятлар билан бир қаторда ижтимоий турмуш тарзи, дунёқараш билан боғлиқ ментал хусусиятлар ҳам акс этади.

Маълумки, сўзлар ўзида уч хусусиятни бирлаштиради: а) фонетик структура '*ses yapısı*'; б) семантик структура '*anlam çerçevesi*'; в) морфологик структура 'şekil yapısı'.

УСЛУБЛАР

Турк тилида ҳурмат категорияси фақат лексик воситаларда акс этиб қолмасдан грамматик йўл билан ҳам ифодаланади. Ҳурмат категориясига кўра лексик бирликлар морфологик бирликларга нисбатан кўплиги ва фаоллиги билан эътиборни тортади.

Шуларга таянган ҳолда ушбу изланиш тавсифий ва таснифий услуб асосида баён қилиниб, изоҳланади.

НАТИЖА

Ҳурмат ифодаловчи лексик воситаларни илмий манбалардан, бадиий асарларда тўпланган аутентик материаллар асосида уларнинг фаоллиги ва мазмунига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин: кишилик олмошлари, қариндошлик атамалари, ҳурматни ифодаловчи лексик бирликлар.

МУҲОКАМА

Ҳурматнинг кишилик олмошлари ёрдамида ифодаланиши

Кишилик олмошлари коммуникацияда асосий ва етакчи восита сифатида хизмат қилади, мулоқот жараёнининг домий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Кишилик олмошлари барча тилларда

мавжуд бўлиб, тизими, нутқда бажарадиган вазифаларига кўра умумийлик характерига эга. Ҳар бир кишилик олмоши ўзига хос грамматик, услубий-семантик функцияни бажаради.

Бошқа тилларда бўлгани каби (Ҳожиева Х., 2000: 37) турк тилида ҳурмат олмошлар орқали ҳам ифода этилади. Маълумки, олмошлар мустақил маъноли сўзлар каби шахс, предмет, белги ёки миқдорни билдирмай, баъзан улар ўрнида алмашиб қўлланилади, қандайдир йўл билан уларга ишора қилади, ўрни билан уларнинг ўринбосари ҳисобланади (Ўзбек тили грамматикаси I.,1975: 332). Бошқача қилиб айтганда, олмошлар дейктик (дейктик сўзи < лотинча deictic “кўрсатувчи”, deictis “кўрсатиш”дан келиб чиққан) вазифани

(Ахманова О.С., 1966: 126) ўтайди. Бу сўз туркуми барча тилларда мавжуд бўлиб, тил универсалияси саналади.

Турк тилшунослигида олмошлар маъно ва грамматик хусусиятига кўра маълум турларга ажратилган. Таниқли турк тилшуноси М. Эргин олмошларни: 1) кишилик олмошлари; 2) ўзлик олмошлари; 3) кўрсатиш олмошлари; 4) сўроқ олмошлари; 5) гумон олмошлари; 6) оидлилик (мансублик) олмоши тарзида олтига ажратади. Т. Бангуўғли унга эгалик олмошини ҳам қўшиб еттитага ажратса, Т. Генжан бешга ажратиб, ўзлик олмошини кишилик олмошларининг ичига киритади. Таниқли рус туркологи А. Кононов олмошларни: 1) кишилик олмошлари; 2) ўзлик олмошлари; 3) кўрсатиш олмошлари; 4) сўроқ олмошлари; 5) белгилаш-жамлаш олмошлари; 6) гумон олмошлари тарзида тасниф қилган (Ergin M., 2008: 262-280; Gencan T.N.,1971: 214-228; Х. Джевдет-заде и *Кононов А.Н.*, 1934: 57-67; Banguoğlu T., 1968: 356-371). Демак, турк тилида олмошларнинг бўлиниши юзасидан турли қарашлар мавжуд.

Бадиий асар, оғзаки нутқ мисолларидан тўпланган материаллар шуни кўрсатмоқдаки, турк тилида ҳурмат, асосан, кишилик, ўзлик ва сўроқ олмошларида акс этади (Имамова Х., 2016: 58).

Маълумки, кишилик олмошлари шахслар – *ben, sen, o, biz, siz,onlar* ‘мен, сен, у, биз, сиз, уларни билдиради. Аммо, баъзи кишилик олмошлари шахсларни билдириш билан бирга кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради. Тўпланган аутентик материаллар таҳлилига кўра, турк тилида кишилик олмошлари ёрдамида ифодаланувчи ҳурмат фақат соф кишилик олмошлари *ben, sen, biz, siz* ‘мен, сен, биз, сиз’да учрайди. Кишилик-кўрсатиш олмошлари *o, onlar* ‘у, улар’да ҳурмат ифодаланмайди. Бу турк тилининг ўзига хос хусусиятидир.

– ***Sizi*** *iyice bir ailenin iyice bir çocuğu için isteseler ne dersiniz* (Ç, 277).

‘– *Сизни яхши бир оиланинг жуда яхши фарзанди учун сўрашса нима дейсиз’?*

Ижтимоий аҳволи юқори бўлган мартабали, олийнасаб, ёши улуғ аёл фарзанди тенги ёш қизга ҳурмат юзасидан сиз тарзида мурожаат этмоқда. Ушбу мисолда тасвирланаётган ҳурмат муносабатини прагматик нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолаш мумкин. Прагматик таҳлилга кўра нутқ акти уч босқичли ҳаракатдан иборат эканлиги маълум: локутив, иллокутив, перлокутив (Сафаров Ш., 2008: 81-82). Учинчи босқич перлокутив, сўзловчининг тингловчи онгига, ҳис-туйғусига ва ҳатти-ҳаракатига таъсир ўтказишдан иборат. Сўзловчи тингловчига *siz* ***олмоши орқали ҳурмат кўрсатиб, хоҳишини тингловчига сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Қуйидаги мисолда*** *siz* ***олмошининг қўлланиши билан боғлиқ жиҳатга эътибор қаратамиз.***

– *Hanımcığım görüyorum ki, talih* ***size****, bu küçük kızı elinizde büyütmek bahtiyarlığını nasip etmemiş* (Ç, 213) ‘– *Хоним, кўриб турибман, тақдир сизга бу кичик қизчани ўз қўлингизда катта қилиш бахтини насиб этмабди’.*

Ижтимоий мавқеи юқори, аммо ёш нуқтаи назардан кичик бўлган муаллима ижтимоий аҳволи паст, аммо ёши катта аёлга мурожаатида мулоқот, нутқ маданиятига амал қилиб, ҳурмат кўрсатиб *siz* олмошини қўллайди. Бу муносабатда ёш омили дастлабки эътиборда бўлади. Бу гапда *siz* олмошини қўллашдан маълум мақсад кўзланмагани маълум бўлади. Яъни, бунда сўзловчининг тингловчига муносабати маълум мақсадга йўналтирилган эмас. Диахроник аспектда бу олмошларнинг функциясини қайд этган таниқли немис тилшуноси К. Гронбергнинг фикрларини келтириш ўринли: “Ёзма ёдгорликларда *sen* бир кишига, *siz* эса икки ва ундан ортиқ кишиларга мурожаат этганда қўлланган. Бу олмошларнинг ўрнини боса олган эгалик қўшимчалари *-ın (ıg)* ва *-ınız* бўлган. Шу билан бирга *siz* олмоши бой кишиларга ёки амалдорларга ҳурмат ўрнида қўлланилгани у вақтда грамматика учун ҳали ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди” (Grönbech K., 1995: 63).

Олим *sen* ва *siz* олмоши ҳақидаги фикрини давом эттириб, халқаро йирик (тижорат) савдо йўллари жойлашган шаҳарнинг кундалик ҳаётидаги сўзлашув услуби қир-адирларда кўчманчи ҳолда яшаётган халқ сўзлашув услубидан фарқ қилишини, ҳурмат, эҳтиром шаклидаги мурожаат услубининг илк бор шаҳарларда юзага келганини таъкидлаган.

Юқори мавқедаги киши билан сўзлашувда уйғурлар қадимги кўплик шакли бўлган *siz* ва -ınızni қўллаганлигини маълумот сифатида келтиради.

Сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий аҳволи тенг бўлганда бирлик учун -*sen, - ın;* кўплик учун -*sizler, -ınızlar*; сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий аҳволи турлича бўлганда *siz, -ınız* шакли қўлланишини айтиб ўтади. *Siz* билан *sizler* орасидаги фарқ кесимлик ҳолатида ҳам ўз кучини йўқотмайди (Grönbech K., 1995: 63).

Олим бу ерда турк тили хусусида эмас, балки қадимги туркий тилга, унинг қадимги шаклига тўхталган. *Siz* олмоши қадимги туркий элатлар маълум бир тил умумийлигини ташкил этган қадимги туркий тилда ижтимоий мавқеи юқори бўлган кишиларга нисбатангина ҳурмат билдирган бўлса, ҳозирги замон турк тилида ижтимоий мавқеидан қатъий назар *siz* олмошида ҳурмат сақланади. Турк тилида *siz* олмоши шахснинг ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳурмат маъносида қўлланилади.

Нутқда бир кишига ҳурмат кўрсатилиб, *siz* мурожаат шаклини қўллаш ва унга -*ler* қўшимчасининг қўшилиши ҳам кузатилади:

– *Nasılsın Ahmet? 'Яхшимисан, Аҳмад?'.*

– Teşekkür ederim, sizleri sormalı? '– Раҳмат, ўзларидан (сизлардан) сўрасак, ўзингиз яхшимисиз?'.

Бундай ҳолларда тингловчига ҳурмат билан бир қаторда, унинг атрофидагиларни ҳам назарда тутиш мақсади намоён бўлади.

Турк тилидаги ҳурмат ифодаловчи -*lar, -ler* қўшимчасидан ташқари маънони кучайтириш, бўрттиришга хизмат қиладиган -*lar, -ler* функционал формаси ҳам мавжуд.

Тўпланган материаллар ҳурмат ифодаланишида бошқа сўз туркумига оид лексемаларнинг асл маъноси умумлашиб, I шахс бирликдаги *ben* ва II шахс кўплик *siz* олмошига тенглашишини кўрсатди. Прономинализация ҳодисаси бўйича материаллар таҳлилида эътиборни тортган томони шундаки, ҳурмат ифодаланганда кишилик олмоши қўлланмайди. Кишилик олмоши *ben* ўрнида *bendeniz,* köleniz*, kulunuz* сўзларидан ташкил топган синоним қатордан бири ишлатилади.

Nazik bir baş işaretiyle uzaktan selam verdi, hafifçe eğilerek:

– *Burhanettin* ***bendeniz*** (Ç, 291) 'Кибор бир бош ишораси билан узоқдан салом берди, енгил эгилиб: Камтарин қулингиз Бурхониддин'.

В*ende* сўзи асли форсча бўлиб, "қул, хизматкор" маъносини билдиради; турк тилида мулоқотда камтарлик учун қўлланилади: *Aynı zamanda, bu has ve vefakar* ***bendesine*** *mim koymuştu* 'Шунинг билан бирга, бу хос ва вафодор хизматкорига эътибор қаратган эди'. *Bendeniz* камтаринлик маъносида *ben* ўрнида "қулингиз" тарзида ишлатилади. *Lütuf buyurup vapura kadar geldiğinizden dolayı* ***bendenizi*** *minnettar ettiniz, efendim* (Türkçe sözlük 1.,1988: 169)

'Илтифот кўрсатиб, кемагача келганингиз учун каминани хурсанд қилдингиз, афандим'.

Турк тилидаги кишилик олмоши *ben* ўрнида *bende* сўзи билан бирга *köle* сўзи ҳам ишлатилиб, сўзловчининг тингловчига юқори даражадаги ҳурматини кўрсатиш учун қўлланади. Ҳурмат маъносида, адресант ўз яқинлари ҳақида сўзлаётганда уларни таъкидловчи сўзларга ҳам қўшилади: *Oğlum* ***köleniz***

(Türkçe sözlük 1., 1988: 909) *'Ўғлим қулингиз'.*

Турк тилидаги ўзлик олмошида ҳурмат маъноси ўзига хос. Унда ҳам *kendi = kendisi = o, kendileri = onlar* олмошлари синоним сифатида ишлатилсада, олмошлар ўрин алмашганда, маъно бутунлай ўзгариб кетади. Мисолларга эътибор беринг:

Kendileri *evde yoklar mı* 'Ўзлари уйда йўқмилар'*?*

Onlar *evde yok mu* 'Улар уйда йўқми'*?*

Кўриниб турганидек, гапда *onlar* олмоши ишлатилиши билан кесимдаги -*lar* аффикси тушиб қолди. Ҳурмат маъноси эса, бутунлай йўқолди. Гарчи, III шахснинг бирлик ва кўплигида *o* ва *onlar* кишилик-кўрсатиш олмоши, ўзлик олмоши *kendi = kendisi* ва *kendileri* билан бир хил шахсларни кўрсатишига қарамай, грамматик формалар функциясидаги ўзига хос хусусиятларини тўла намоён этмайди.

Олмошларнинг турлари ичида сўроқ олмошларидан *kim* лексемаси ҳам ҳурмат билдиришга хизмат қилади. Олмош маъно хусусиятини бўрттириш ёки ҳурмат билдириш мақсадида -*ler* морфологик кўрсаткич билан қўлланилади: ***Kimler (****gelmiş)****geldi* (Джевдет-заде Х. и *Кононов А.Н.*, 1934: 57-67) 'Кимлар (келди) ташриф буюрди'?

-*ler* **кўрсаткичи сен, сиз олмошларига қўшилиб, турли даражадаги услубий бўёқдорликни акс эттиради.**

МУҲОКАМА

Ҳурматнинг қариндошлик атамалари орқали ифодаланиши

Қариндошлик атамалари ҳурмат ифодалашда фаол ишлатиладиган лексик воситалардир. Кишилик жамиятида мулоқот, аввало, унинг атрофидагилар, яқинлари билан бўлган муносабат асосида шаклланади. Шу боис қариндошлик атамаларининг

ҳурмат ифодалаш функцияси қадимийроқдир.

Бунинг тарихий илдизи "Қутадғу билиг" да қўйидаги шаклда учрайди.

Қалы умдусы болса бу умдучы

Атағай сэни ул ини йа эчи (ҚБ, 4112; 632).

Eğer menfaat-perest insan umduğunu bulursa, sana büyük veya küçük kardeş gibi muamele eder (КВ, 4215; 305).

Агар (бирор) тамаси бўлса, бу тамагир

Сени ини ёки ака деб атайди (ҚБ, 4112; 633).

Бегона кишилар орасидаги мурожаатда ҳурмат юзасидан қариндош-уруғ номларининг қўлланилишида самимийликдан ташқари тамагирлик, иши битгунича сохта ҳурмат ифодалашда ҳам қариндош-уруғ номларининг ишлатилиши таъкидланади.

A*ba, abi, abla, ağa, ağabey, amca, an*a, a*nne, baba, bacı, dayı, emmi, nine, teyze, yenge* лексемалари шахсга яқин адресатларни билдирувчи қариндошлик атамаларидир.

Таҳлил қилинган аутентик матнларга кўра қариндошлик атамаларини ҳурмат ифодалаш жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) қариндошларга ҳурмат ифодалаш; 2) қариндош бўлмаган шахсларга ҳурмат ифодалаш.

1. Қариндошларга ҳурмат ифодалашда лексемаларнинг денотатив маъносига хос эмоционал-экспрессив функция намоён бўлади. Масалан қуйидаги мисолда, *a**bim** шахсдан катта туғишган адресатни ифодалайдиган қариндошлик атамаси бўлса, **ağam** қариндош ўзидан кичик шахсга мурожаатидир:*

*...Nasıl ağlıyorum, belki anam babam ölse öyle ağlayamam. **Abim,***

*– Lan, diyor, lan **ağam** ağlama, yarın olsun hele, ben o herifin anasını sülalesini...Lan nasıl benim kardaşımı böyle per perişan eder be* (Z.K.,239) '*Қанча йиғладим, балким ота-онам ўлганда ҳам шунчалик йиғламасам керак. Акам, – Эй бола, эй оғам йиғлама, эрта бўлсин-чи ҳали, мен бу итнинг онасининг уруғ аймоғини... Эй, қандай қилиб у менинг укамни бу ҳол, бу аҳволга солиши мумкин*' ?!

Турк тилидаги *-m (-im, -ım/ -üm, -um)* аффиксал морфемаси ўзининг категориал вазифасидан ташқари, баъзан функционал вазифада ҳурмат, эркалаш, ҳатто улуғлаш маъноларини ифодалашга ҳам хизмат қилади. Турк тилшунослигига доир адабиётларда ушбу аффиксларнинг ҳурматни ифодалаш хусусияти қайд этилмаган (Ergin M., 2008: 262-280; Gencan T.N.,1971: 214-228; Х. Джевдет-заде и *Кононов А.Н.*, 1934: 57-67; Banguoğlu T., 1968: 356-371;

Hatiboğlu V., 1974: 106-132; Demircan Ö., 1977: 101; Göker O., 1997: 71-75). Шундай бўлса-да, вақт ўтиши, мулоқот ҳулқининг такомиллашуви, эстетик эҳтиёжлардан келиб чиқиб уларнинг вазифаси ҳам кенгая борган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Таҳлил қилинган аутентик материаллар шундан далолат бермоқда. Асосан от ёки сифат сўз туркумидаги сўзларга қўшилувчи ушбу морфологик бирликнинг ҳурмат ифодалашдаги ўрни икки турда юзага келади. Биринчиси, катта ёшдагиларнинг ўзидан кичикларга мансаб ва лавозимидан қатъий назар ҳурмат ифодалаши бўлса, иккинчиси кичик ёшдагиларнинг ўзидан катталарга ҳурмат ифодалашидир.

Қайд этилиши зарур бўлган яна бир жиҳат, аутентик матнда биринчи бўлиб қўлланаётган ***abi*** сўзи ва ***-m** эгалик қўшимчаси ўз маъноларида қўлланаётган бўлса,* иккинчи бўлиб қўлланаётган ***ağa** сўзи ўз маъносидан фарқли функционал маънода ишлатилиб ҳурмат билдирмоқда. Сабаби, ака ўз укасига нисбатан **ağa**ни функционал ва **-m** эгалик қўшимчасини қисман ўз маъносида, қисман эса функционал фарқли маънода қўлланмоқда.*

Бу жиҳатдан қариндошлик атамаларини а) яқин қариндошликни билдирувчи атамалар: *ağa, anne, baba, abla*; б) узоқ қариндошликни билдирувчи атамалар: *amca, dayı, emmi, nine, teyze, yenge* тарзида ҳам гуруҳлаш мумкин.

2. Қариндошлик атамаларнинг ўзга шахсларга нисбатан қўлланиши функционал хусусият касб этади (Саттаров Г.Ф., 1975: 82).

Ижтимоий мавқеи қуйи бўлган кишилар мурожаатида a*ba, abi, abla, ağa, ağabey, amca, an*a, a*nne, baba, bacı, dayı, emmi, nine, teyze, yenge* лексемалари ёш ва лавозим жиҳатдан катта шахсларга бўлган муносабатдаги ҳурматни ифодалайди:

– Doktor bey, açıklık yerleri çok severim, fakat mektep açılmak üzere. Bilmem ki, nasıl olur? diye cevap verdim.

O, hiddetle omuzlarını silkti:

*– A, **babam**, ben sana gider misin, diye sormadım ki, mülahazat söylüyorsun; götüreceğim dedim* (Ç,348) '– Доктор бей, кенг далаларни жудаям ёқтираман. Аммо, мактаб бошланай деб турибди. Қандай бўлар экан, деб жавоб бердим. У жаҳл билан елкаларини силкитди: – Ҳа отанг ўргилсин-а, мен сендан борасанми, деб сўрамаяпманку, фикр билдирасан; олиб кетаман дедим'.

Мисолдаги *babam* сўзи ёрдамида катта ёшдаги сўзловчининг ўзига бегона кичик ёшдаги тингловчига ҳурмат кўрсатиши ноодатий ҳолат. Бу турк тилига хос бўлган ҳурматнинг нозик ифодасидир. *Babam*

лексемаси ҳам *ағат қариндошлик атамаси каби икки хил формада бўлиши мумкин: грамматик кўрсаткич олмаган baba шакли ёки грамматик кўрсаткич олган babam* ёки *babaciğim шаклида. Эгалик шакли қўшилганда ҳурмат маъноси янада орттирилади.*

Сўзловчи ўзининг ўғил-қизи ёшидаги бегона шахсларга *oğul, kız* сингари қариндошлик атамалари ёрдамида мурожаат этиб, самимий ҳурмат билдирганда, албатта, *oğul, kız* атамаларининг эгалик аффикси ***-m***ни олиши талаб этилади. Акс ҳолда *oğul, kız* сўзи қариндошлик атамаси эмас, умум маънога эга сўз бўлиб қолади. Бегоналарга ҳурмат маъносида қўлланувчи *oğlum, kızım* атамаси çocuğum *'*болам*', evladım* 'болам, фарзандим'*, kuzum* 'қўзим'*, yavrum* 'бўталоғим' сингари синонимлар қаторини ташкил этади.

Биринчи шахс, бирликни ифодаловчи *-m (-im, -ım/ -üm, -um)* қўшимчаси, асосан, от ёки сифат туркумидаги сўзларга қўшилиб ҳурмат маъносини ифодалайди. Туркшунос Т. Бангуўғли отлардаги *-m (-im, -ım/ -üm, -um)* қўшимчаси ҳақида қуйидагича тўхталади: Эгалик олмошининг биринчи шахс қўшимчаси бўлган *-m* яқинларга ва катталарга хитобни билдиради: *Beyim! Oğlum! Kardeşim!* Унинг фикрича, самимий мурожаатда ва жавобда: *kardeşim, canım, yavrum, şekerim, güzelim, sevdiğim, sevdiciğim* шаклида учрайди (Banguoğlu T., 1986: 356-371). Турк тилида *-lar, -ler* қўшимчасининг қариндошлик атамаларига қўшилиб ҳурмат билдириши ҳам кўп кузатилади: *ablam+lar, annem+ler, halam+lar* каби.

Турк тилида *-lar, -ler* қўшимчасининг қариндошлик атамаларига қўшилиши ҳақида тилшунос З. Кўркмазнинг фикри эътиборга лойиқ. У ёзади: "... бугун биринчи ва иккинчи шахс эгалик шаклларидан кейин баъзан кўплик қўшимчасининг қўшилиши кузатилмоқда: *ablam+lar, annem+ler, halam+lar* каби. Фақат, бу ердаги кўплик қўшимчаси *-gil* қўшимчасининг ўрнида келган оилани ёки оила аъзоларини кўрсатувчи ўзига хос қўлланилишдир" (Korkmaz Z., 2007: 257). Ўзбек тилида ҳам ҳурмат ифодаланганда яқин кишилар ҳақида, қариндошлик атамалари орқали ўзга ҳақида гапирганда *-лар* қўшилади.

МУҲОКАМА

Ҳурматни ифодаловчи баъзи лексик бирликлар

Турк тилидаги *hanım* ҳурмат маъносини англатувчи фаол сўзлардан биридир. *Hanım* сўзи асосга -ım қўшимчасини қўшиш орқали юзага келган.

Сўз таркибидаги -ım эгалик қўшимчаси сифатида қайд этилган. -ım ёрдамида аёллар учун ишлатилган баъзи нисбаларнинг шакллари ҳам ясалиши таъкидланган: *Han, hanım; Beğ, begüm* каби (Hatiboğlu V., 1974: 106). Бу қўшимча бир қарашда эгалик қўшимчасидек қабул қилинади: масалан, *han, han-ım*, яъни "менинг хоним"; *beg, beg-üm* "менинг бегим". А.Н. Кононов "Шажари-и тарокима" асарига бағишланган тадқиқотида икки хил муаннас қўшимчасини қайд этади: *-e, -ım*. Мисол сифатида *Mama big* (1339) ва *hanım* (929) сўзларини келтиради. Бошқа мисол бўлмагани учун бу қараш фараздай туюлади (Çağatay S., 2008: 91). Демак, А. Кононов *hanım* таркибидаги қўшимчани эгалик сифатида баҳоламайди.

Hanım сўзи турк тилидагина эмас, бошқа бир қатор туркий тилларда ҳам кўп қўлланади. Бу ҳақда луғатларда кенг маълумот берилган. Масалан, туркшунос В.В. Радлов *han* сўзи турк тилидаги *han, qan, qayan, xayan, kagan* сўзларининг параллел шаклларидир, дея таъкидлайди (*Радлов В.В.*, 1893–1911: 1662). Бу фикрни М. Рясянен ва Г. Дёрфер асарларида ҳам учратамиз

(Rasanen M., 1969: 154, 219.; Doerfer G., 1963: 11). Олим М. А. Гаффаров эса хон сўзи хоқон сўзидан келиб чиққан бўлиб, мўғул султонларининг титули саналишини, форс манбаларида бу титул "ҳурматга сазовор" маъносида кенг қўлланишини қайд этган (Гаффаров М.А., 1976: 279). Яна бир шарқшунос олим В. Н. Бесскровни эса хан сўзининг маъноларида тўхталиб, биринчи маъноси "бошқарувчи", иккинчиси хон авлоди титули бўлиб, форс тилидан ўтганлигини таъкидлайди (Хинди-русский словарь., Под ред. В.М. *Бесскровного*. 1972: 420). Олим Саадет Чагатай *hanım* сўзи форсча *hanuman* "ev, aile" сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган тахминни билдиради

(Çağatay S., 2008: 91). Туркий сўз бўлган қаан → қан → хоннинг қўлланилиш доираси кенглиги ва туркийдан форс тилига, кейин эса урду ва ҳинд тилларига ўтганлиги ҳақидаги мулоҳазалар турличадир.

Турк тилида *hanım* сўзи ёрдамида икки усулда янги лексик бирликлар ҳосил бўлади. Булар қуйидагича:

1. H*anım* + от шаклида ясалган *hanım anne, hanım kız, hanım böceği, hanımeli, hanım göbeği, hanım parmağı, hanım hanım* лексик бирликларидаги *hanım*нинг маъно хусусияти кўпроқ "бека, хўжайин, катта, гўзал" маъноларини; *hanımefendi, hanım evladı* "ҳурматли, яхши" маъноларини акс эттиради.

Hanımefendi ижтимоий мавқеи жиҳатидан баланд, ёши катта аёл жинсидаги шахсларга нисбатан мурожаат шакли сифатида қўлланади:

– ***Hanımefendi** yemin ederim ki, ben kardeşinize bir şey yapmadım* (Ç, 259) '– Хонимафанди, сизни ишонтириб айтаман, мен укангизга ҳеч нарса қилмадим'.

Турк тилидаги *hanımefendi* сўзи туркча *hanım* ва юнонча *efendi* (Türkçe Sözlük., 1988: 432) сўзидан ташкил топган бўлиб, алоҳида, юксак ҳурматга лойиқ деб топилган аёлларга нисбатан ишлатилади.

2. От + *hanım* шаклида ясалган лексик бирликлардаги *hanım* нисба, мартаба билан боғлиқ ҳурмат ифодалайди: *hoca hanım, öğretmen hanım, valide hanım, hemşire hanım, küçük hanım, büyük hanım, ev hanımı* ва бошқалар.

Hanım **асосида ҳосил қилинган бирликлар тингловчининг ёшига кўра мурожаатни билдириши билан фарқланади. Ёши улуғ, ижтимоий мавқеи юқори бўлган тингловчига** *büyük hanım* мурожаат шакли қўлланади:

***Büyük hanım**, birdenbire şaşırdı:*

– Niçin kızım? Bir az evvel onu beğendiğinizi, güzel bulduğunuzu söylediniz ya (Ç,282) 'Буюк хоним тўсатдан ҳайрон қолди: – Нима учун қизим? Бир оз аввал уни ёқтирганингизни, маъқул кўрганингизни айтдингиз-ку!'.

Турк тилидаги *hanım* сўзи эски туркий тилда ҳам бир қанча синонимик қаторига эга бўлган (Ziema P., 1987: 305-309). Аммо, биз учун унинг замонавий турк тилидаги синонимлари муҳим саналади. *Hanım* сўзининг синоними сифатида *hatun* сўзи ҳам ёнма-ён қўлланади. "Турк тилининг изоҳли луғати"да *hatun* сўзининг маънолари шундай изоҳланган: 1. Хотин киши маъносини билдиради: İfakat hanım ufacık tefecik, tostoparlak, köstebek misali bir hatun kişi. 2. "Аёл", "хоним" маъносида келади: *Emine hatun*. 3. "Турмуш ўртоқ", "рафиқа" маъносида келади. 4. Юқори мартабали аёлларга ва хоқон рафиқаларига берилган унвонни билдиради: *Bağdat hatun* (Türkçe Sözlük., 1988: 619).

Hatun кўп ўринларда "аёл" тушунчасини нейтрал маънода ифодалайди:

– *Kızım yaşlılara hürmet ve muavenet bir vazife-i diniye ve insaniyedir. Gel, şu **hatunun** rızkına mani olma* (Ç,152) *'Қизим, ёши катталарга ҳурмат ва ёрдам кўрсатиш диний ва инсоний вазифа саналади. Кел шу аёлнинг ризқига монелик қилма*'.

Умуман олганда, *hatun сўзи kadın* билан маъно жиҳатдан тенгдир. Ҳозирги мулоқот жараёнида *hatun* сўзига қараганда *kadın* янада кенгроқ доирада ишлатилади. Турк олими Саадет Чағатай, кейинги йилларда *hanım* сўзининг *hatun* сўзидан ҳам пастроқ даражада ишлатилаётганлигини таъкидлайди (Çağatay S., 2008: 92). Ушбу синонимик қаторнинг қўлланиш градуонимиясини *kadın → hatun → hanım* тарзида бериш мумкин.

Энди *kadın* сўзи ва унинг маъноларига тўхталсак. "Турк тилининг изоҳли луғати"да *kadın* сўзи шундай тавсифланган: 1. Аёл жинсидаги вояга етган инсон; эркак сўзининг антоними. 2. Турмушга чиққан қиз. 3. Қадимда "bayan" маъносида ишлатилган унвон: *Fatma Kadın.* 4. Оналик ёки уй ишлари бошқарувида малакаси бўлган киши. 5. Хизматчи маъносида (Çağatay S., 2008: 92).

Турк тилида *kadın* сўзининг қўлланилиш майдони *hanım* сўзи қадар кенг эмас. *Kadın* алоҳида қўлланиб, нейтрал маънода "аёл" жинсидаги шахсни билдиради:

*Söylediği kelimelere göre alim bir hoca hanım olduğu anlaşılan mavi gözlü **kadın** gülümsedi.:*

– *Bunu daha sonra anlarsınız kızım, dedi* (Ç,121) '*Айтган сўзларига қараганда олима бир муаллима эканлиги маълум бўлган мовий кўзли аёл кулимсиради: – Буни кейинроқ тушуниб оласиз, қизим, – деди*'.

Hanım, hatun, kadın сўзлари шахснинг оилавий аҳволига кўра қўлланиш жиҳатдан ҳам фарқланади. Турмушга чиққан аёл учун *hatun, kadın* сўзлари қўлланади, бу сўзларни турмушга чиқмаган қиз учун қўллаш мумкин эмас. *Hatun* сўзида тарихийлик нуқтаи назаридан ҳурмат маъноси чуқур бўлса-да, бугунги кунда турк адабий тилида кам қўлланади. Бу сўзни бадиий услубда ва шеваларда кузатиш мумкин. Турк тилидаги *hanım, bayan* сўзлари эса турмушга чиққанлар учун ҳам, чиқмаганлар учун ҳам бирдек ишлатилаверади, шахснинг оилавий мавқеига кўра нейтрал ҳисобланади. Бу сўзларнинг ҳурмат маъносини ифодалаш даражаси турличадир. Ҳурмат маъноси *hanım* сўзида самимий бўлса*, bayan* сўзида расмий тус олади. Шу тарзда сўзловчининг муносабати танланган сўз орқали ифодаланади. Юқорида келтирилган мисолда *kadın* сўзи ўрнида *hanım, bayan* сўзларини алмаштириб қўлласак, уларнинг ўзига хос услубий-семантик хусусиятлари намоён бўлади: *Söylediği kelimelere göre alim bir hoca hanım olduğu anlaşılan mavi gözlü **hanım (bayan)** gülümsedi* (Ç,121) 'Гапларидан олима ўқитувчи эканлиги кўриниб турган мовий кўзли аёл (хоним) табассум билан қаради'.

Турк тилидаги *hanım*га синоним бўла оладиган сўзлардан яна бири араб тилидан ўзлашган *avrat* сўзидир. "Турк тилининг изоҳли луғати"да *avrat* сўзининг маъноси ҳақида шундай ёзилади: 1. Хотин, аёл: *Avrat var, arpa unundan aş yapar; avrat var,*

buğday unundan keş yapar ‘Хотин бор арпа унидан мазали таом тайёрлайди, хотин бор буғдон унидан бўтқа тайёрлайди’ (халқ мақоли) 2. Хотин, турмуш ўртоқ (Türkçe Sözlük., 1988: 107).

Демак, ҳурмат категориясида “аёл” маъносини ифодаловчи *hanımefendi, hanım, bayan, kadın, hatun, karı* ***сўзлари синонимик қаторни ташкил этади. Тартибланиш ҳолатига кўра улардаги ҳурмат даражаси энг юқоридан нейтрал даражага қараб пасайиб боради***.

Турк тилида ҳурмат категорияси ҳақида сўз юритилганда ҳурматни ифодаловчи *efendi* сўзига алоҳида тўхталиш лозим. Тилшуносликда *efendi* сўзининг келиб чиқиши билан боғлиқ икки хил қараш мавжуд. Биринчисига кўра, у грекча *apentis* “жаноб; оила бошлиғи” сўзидан олинган, деб қаралади. Бошқа бирида бу сўзнинг санскритчадаги *avadana* “ҳикоя; қисса” сўзидан келиб чиққанлиги таъкидланади (Йўлдошева Ф., 186: 110-111).

Айрим қарашларга кўра, *efendi* сўзи асли грекча *efe* (“йигит, мард, жасур, жаноб, бек”) сўзига *-ndi* от ясовчи қўшимча қўшилиши орқали ясалган (Türkçe Sözlük., 1988: 432; Doğan D.M.,1994: 322).

“Турк тилининг изоҳли луғати” (Türkçe Sözlük) да, “Буюк луғат ва энциклопедия” (Büyük Lugatve Ansiklopedi)да *efendi* сўзининг олтита маъноси қайд этилса, “Катта турк тили луғати” (Büyük Türkçe Sözlük)да тўққизта, маъноси қайд этилган (Büyük Lugatve Ansiklopedi., 1971: 82). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (икки томлида) еттита, (беш томлида) олтита маъноси келтирилган (Ўзбек тилининг изоҳли луғати., 1981: 117). Муҳими шундаки, турк тилига *efendi* сўзи илк ўзлашган даврда “йигит, мард, жасур, жаноб, бек” денотатив маъноларини ифодалаган; кейинчалик сўз семантикасида ўзгариш юз берган. Бошқа тилдан ўзлашганига қарамай, асл маъносидан ташқари, ҳурматни билдиришга ҳам хосланиб борган.

Ҳурматни ифодаловчи *efendi* сўзи турк тилида икки кўринишда ишлатилади:

A. *Efe+ndi.*

B. *Efe+ndim.*

“...Kulun, kurbanın olayım ***efendiciğim****, öldür beni, lakin bırakma, boşama!...”* (Ç,156) *‘Қулинг, қурбонинг бўлай хўжайин, ўлдир мени, лекин ташлаб кетма, ажрашма*’!

Турк тилида -ciğim қўшимчаси отларда билдирилган маъноларни кичрайтириш, сўзга ҳурмат, меҳр-шафқат маъноларини илова қилиш учун қўлланади (Hengirmen M., 1995: 121). Мисолда *efendidаги лексик-семантик ҳурмат маъноси кичрайтириш-эркалаш морфологик кўрсаткичи -ciğim орқали* тўлдирилиб, *efendi + ciğim шаклида ҳурматни кучайтириш кузатилмоқда.*

Юқорида, *efendi* сўзининг эркакларга нисбатан қўлланган таъкидлади. Бироқ, *hanımefendi сўзи аёл кишига нисбатан ишлатилади. Демак, hanımefendidаги efendi – инсон, киши*га нисбатан қўлланади. Ёлғиз қўлланганда кўпроқ эркак кишини билдиради. *Hanım* сўзи билан келганда хотин кишини ифода этади. Қиёсланг: *beyefendi* – эркак киши*, hanımefendi* – хотин киши.

Турк тилидаги *efendi* сўзи биринчи шахс эгалик қўшимчаси билан *efendi+m* шаклида қўлланганда кўпроқ лексик бирлик хусусиятидан коммуникатив бирлик даражасига чиқиши кузатилади. Иккинчи шахс, кўпликдаги siz олмошининг ўрнида қўлланиб фразеологик бирикма ясайди:

Efendim *nerede, ben nerede ‘Сиз нима деяпсиз-у, мен нима деяпман’* (Сўзлашувда)*? Efendim* сўзи ўзбек тилидаги siz олмошининг ўрнида қўлланмоқда. Мисолимизда, “siz билан biz бир-биримизни тушунмадик” маъноси ётади. Маълумки, турк тилида siz олмошининг ўзида ҳурмат маъноси мавжуд. Мана шу ҳурматни яна ҳам юқори даражада ифодалаш учун сўзловчи *efendim* сўзини ишлатибгина қолмасдан, фразеологик бирикмада “тушунмадингиз” маъносидаги ҳурмат билан эътирозни ифодалаган.

Турк тилидаги *efendi/efendim* сўзининг ҳурмат ифодалашдаги вазифаси сўзловчининг тингловчини ҳамма вақт ўзидан юқори кўтариб ҳурмат билдиришидадир. Улар гапда турли вазифалар бажаради. Бу вазифалар қўшма сўз ясаш, такрор сўз, фразеологик бирикмалар ҳосил қилишда *siz* олмошининг ўрнида ишлатилиш (олмошлашиш), коммуникатив бирлик ясаш кабилардан иборат.

ТАҲЛИЛ

Ҳурмат билдирувчи *bay* ва *bayan* сўзларининг семантик-услубий хусусиятлари. Турк тилида расмий услуб ва ёзишмаларда, расмий муносабатда *bay* ва *bayan* сўзлари кенг қўлланади. Эркак кишига мурожаат этилганда *bay*, аёлларга эса *bayan* деб мурожаат қилинади. Оғзаки мурожаатда ҳам, ёзма мурожаатда ҳам уларнинг қўлланиш ўрни тенг. Бу сўзлар гапда ҳурматни ифодаловчи асосий белги, компонент вазифасини ўтайди.

Турк тилининг изоҳли луғатида *bay* сўзининг уч хил маъноси келтирилган: 1. Исми номаълум эркакка мурожаатда ёки у ҳақида сўз борганда қўлланадиган ҳурматни билдирувчи сўз. Масалан: ***Bayım****, şu taraftan. Bir bay seni aradı, ama ismini*

bırakmadı. 2. Оғзаки ёки ёзма нутқда, мурожаат қилинган кишининг исмидан олдин илтифот ва ҳурмат ифодаси сифатида қўлланилувчи сўз. ***Bay*** Süleyman. ***Bay*** *Ahmet*. 3. Бадавлат, мол- мулк эгаси (Türkçe Sözlük., 1988: 158).

Изоҳли луғатларда *bayan* сўзининг ҳам уч хил маъноси қайд этилади: 1. Оти маълум бўлмаган аёлга мурожаат қилинганда ёки у ҳақида сўз борганда ҳурматни билдириш учун ишлатилади: *Bayan kime baktınız? Seni bir bayan aradı*. 2. Оғзаки ёки ёзма нутқда, мурожаат қилинган аёлнинг исмидан олдин илтифот ва ҳурмат ифодаси сифатида қўлланувчи сўз: *Bayan Fatma. Bayan Mine.* 3. Аёллар кийими хусусида сўз кетганда ҳам "аёл" маъносида шу сўздан фойдаланилади: *Bayan ayakkabısı. Bayan elbisesi* (Türkçe Sözlük., 1988: 158).

Bay ва *bayan* асл туркий сўзлар ҳисобланиб, турк тилида XX асрнинг биринчи ярмида ўтказилган тил ислоҳотидан кейин истеъмол доираси кенгая борди.

Bayan сўзи тилшунос Фуот Бўзқуртнинг "Türklerin Dili" номли китобида подшоҳ ўғлининг (шаҳзоданинг) исми сифатида қайд этилган (Bozkurt F., 1999: 42.). Қадимги туркий тилда *bay* сўзига кўплик ясовчи *-an* қўшимчасини қўшиш билан *bayan* сўзи ясалган (*Содиқов Қ.*, 2006: 148). Дастлаб, кўплик маъносини ифодалаган -лар, -из қўшимчаларининг кейинроқ ҳурмат маъноларида ҳам ишлатилгани яхши маълум. XX асрга келиб турдош от сифатида қўлланаётган *bay + an* сўзидаги *-an* қўшимчаси кўпликнинг грамматик кўрсаткичи сифатида ҳурмат, илтифот маъносини ифодалаган, дейиш мумкин. Сабаби, туркий тилларда грамматик род категорияси мавжуд эмас. Демак, *-an* қўшимчаси *bay* сўзига қўшилиб, турк тилида кўпликнинг грамматик кўрсаткичи сифатида ҳурмат, илтифот маъносини ифода этиш билан бирга жинсни ажратишга хизмат қилган ва "аёл" тушунчасини ифода этган. Турк тилида дипломатияда, расмий таклифномаларда таклиф этилаётган киши турмуш ўртоғи билан келиши зарур бўлганда:

Bay ve Bayan *Abdullah Gül* '*Жаноб Абдуллоҳ Гул рафиқалари билан*' шаклида ёзилади.

ХУЛОСА

Турк тилида ҳурматнинг лексик-морфологик шаклда ифодаланишига бағишланган изланиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Турк тилида ҳурмат ифодаланишида лексик воситалар етакчилик қилади. Морфологик шакллар лексик воситаларга ҳамроҳлик этиши билан бирга мазмунни тўлдиришга хизмат қилиши кузатилади.

Олмош сўз туркумида ҳурмат ифодаланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Унда кишилик олмошлари асосий ўрин эгаллайди. Ўзлик ва сўроқда, қисман бўлса-да, ҳурмат ифодаланади.

I шахс бирликдаги олмош ўрнида *efendim* ёки *bendeniz,* köleniz*, kulunuz* каби сўзларни қўллаш орқали сўзловчининг тингловчига бўлган юқори даражадаги ҳурмати ифодаланади.

Тўпланган аутентик материаллар таҳлилига кўра, турк тилида кишилик олмошлари ёрдамида ифодаланувчи ҳурмат фақат соф кишилик олмошлари *ben, sen, biz, siz* 'мен, сен, биз, сиз'да учрайди. Кишилик-кўрсатиш олмошлари *o, onlar* 'у, улар'да ҳурмат ифодаланмайди. Бу турк тилининг ўзига хос хусусиятидир. *-lar,-ler* **кўрсаткичи** *sen, siz* **олмошларига қўшилиб, турли даражадаги услубий бўёқдорликни акс эттиради.**

Бегона кишилар орасидаги мурожаатда ҳурмат юзасидан қариндош-уруғ номларининг қўлланилишида самимийликдан ташқари тамагирлик, иши битгунича сохта ҳурмат ифодалашда ҳам қариндош-уруғ номларининг ишлатилиши таъкидланади.

Бир қатор лексемалар, жумладан, *hanım, efendi, bay, bey* ҳурмат маъносини ифодалаш учун хосланган. H*anım* лексемаси тингловчига ҳурматни юқори даражада ифода этади.

Морфологик усулда ҳурмат ифодаланишида аффиксал морфемаларнинг грамматик вазифасидан келиб чиққан ва унга боғлиқ ҳолда ҳурмат ифодаланиши кузатилди. Шахс-сон қўшимчаларидаги "ҳаракатни нисбатлаш", эгалик қўшимчаларидаги "ўзига яқин олиш", семалари орқали ҳурмат ифодаланади.

-m (-im, -ım/ -üm, -um) эгалик аффикси ҳурмат ифодалашнинг асосий морфологик воситасидир. Бу қўшимча коммуникантларнинг ёш тамойилига асосланган ҳолда ҳурмат маъносини ифода этади. Катталарнинг кичикларга ва кичикларнинг катталарга мурожаатида ундалма сифатида хосланган бирликларга қўшилиб келади. Эгалик қўшимчалари воситасида ифодаланган ҳурмат адресантнинг адресатга ижобий муносабати, уни яқин тутиши, ўзига қарашли деб билиши, шахсни эъзозлаши, қадрлаши негизида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Имамова Х. (2016) Кишилик олмошлари ҳурмат категорияси контекстида. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал № 1. – Б58-64. http://journal.fledu.uz. Тошкент.

2. Йўлдошева Ф. (1986) “Афанди” эпитетининг этимологиясига доир // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёти перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 110- 111 бет.
3. Rustamiy, S. (2018). Typological peculiarties of science of balaghah, rhetoric and stylistics. The Light of Islam, 2018(1), 16. ;
4. Rustamiy, S. (2019). On significance of science of Balāğat in achieving linguisticaesthetic perfection. The Light of Islam, 2019(4), 14.
5. Сафаров Ш. (2008) Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 285 б.
6. Содиқов Қ. (2006) Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент: ТошДШИ, 148- б.
7. Ўзбек тили грамматикаси I. (1975) – Тошкент: Фан, 332- бет.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (2006) Икки томли, 1-том. – Москва: Рус тили, 1981. 63- бет; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томли, 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти.117- бет.
9. Ҳожиева Х. (2000) Кишилик олмошлари ва ҳурмат маъноси. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, -№ 4. 37- б.
10. Ахманова О.С. (1966) Словарь лингвистических терминов. – Москва.
11. Гаффаров М.А. (1976) Персидско-русский словарь 1. – Москва: Наука, Стр. 279.
12. Джевдет-заде Х. и Кононов А.Н. (1934) Грамматика современного турецкого языка. – Ленинград, Стр. 57-67;
13. Радлов В.В. (1893-1911) Опыт словаря тюрских наречий, 1-1V. С-Пб.; p.s. О Слове Хан- 11; -С.1662.
14. Саттаров Г.Ф. (1975) Отчества и категория вежливости-почтительности в современной татарской антропонимии // Советская Тюркология. – Баку.-№1, 80-86. Стр. 82.
15. Хинди-русский словарь (1972); Под ред. В.М. Бесскровного. – Москва: Наука, 1972. Стр. 420.
16. Banguoğlu T. (1986) Türkçenin Grameri. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi. 1986. S. 356-371.
17. Bozkurt F. (1999) Türklerin Dili. – Ankara: T.C. Kültür Bakanlığı Yayınları. 1999. S. 42.
18. Büyük Lugat ve Ansiklopedi. (1971) – İstanbul: Meydan Yayınevi. 1971. S. 82.
19. Çağatay S. (2008) Türkçe’de ‘Kadın’ için Kullanılan Sözler // Prof.Dr. Saadet Çağatay’ın Yayınlanmış Tüm Makaleleri. C.1. – İstanbul: Ayaz Tahir Türkistan İdil-Ural Vakfı, S. 91.
20. Gencan T.N. (1971) Dilbilgisi. – İstanbul: Fen Fakültesi(Döner Sermaye) Basımevi. S. 214-228;
21. Göker O. (1996) Uygulamalı Türkçe II. – İstanbul: Milli Eğitim Bakanlığı Yayınları, S. 71-75.
22. Güntekin R. N. (1992) Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi. - 408 s.
23. Grönbech K. (1995) Türkçenin yapısı. Çeviren: Akalın M., – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları. S. 63.
24. Demircan Ö. (1977) Türkiye Türkçesinde Kök ve Ek Bileşimi. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, -126 s.
25. Doğan D.Mehmet. (1994) Büyük Türkçe Sözlük. – İstanbul: Ülke Yayınları, S. 1169.
26. Doerfer G. (1887) Türkischa und Mongolische Elemente im Neupersischen, 1, 1963; 11 1965; III, 1967, – Wiasfaden. P.s.141-183.; Hübschmann H. Etymologic und Lautlehre der Assetischen Sprahe. – Strassburg, 1887. -P. 133.
27. 28. Ergin M. (2008) Türk Dil Bilgisi. – İstanbul: Bayrak Basım / Yayım/ Tanıtım, -407 s.
28. Hatiboğlu V. (1974) Türkçenin ekleri. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları. S.106.
29. Hengirmen M. (1995) Türkçe Dilbilgisi. – Ankara: Engin Yayınevi. S. 121
30. Korkmaz Z. (2007) Türkiye Türkçesi Grameri. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, - 1224 s.
31. Rasanen M. (1969) Etimologischen Wörterbuchs der Türk Sprachen. Versucheines – Helsinki. P. 154, 219.;
32. Türkçe sözlük 1 (1988) .A-J,. 2.K-Z. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi. S. 169, S. 909.
33. Ziema P. (1987) Some Remarks On Old Turkish Words For ‘Wife’, Türk Dili Araştırmaları Yıllığı, Belleten, – Ankara: TTKBE, 1992. S. 305-309.
34. ҚБ – Юсуф Хос Хожиб.(1971) Қутадғу Билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Каримов Қ. – Тошкент, Фан, -964 б.
35. Ç – Güntekin R. N. (1992) Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, - 408 s.
36. KB – Yusuf Has Haçib. Kutadgu Bilig. (1991) Çeviri / Arat R.R – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, - 477 s.
37. Z.K – İzgü Muzaffer. (1995) Zıkkımın Kökü. –Ankara, Bilgi Yayınevi. -S. -291.

REFERENCES:

1. Imamova X. (2016) Kishilik olmoshlari hurmat kategoriyasi kontekstida. O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti «O’zbekistonda xorijiy tillar» ilmiy-metodik elektron jurnal № 1. http://journal.fledu.uz. Toshkent. –B. 58-64.
2. Yo’ldosheva F. (1986) “Afandi” epitetining etimologiyasiga doir // O’zbek tili terminologiyasi va uning taraqqiyoti perspektivalari. I Respublika terminologiya konferentsiyasi materiallari. –Toshkent: Fan, 110- 111 bet.
3. Rustamiy, S. (2018). Typological peculiarties of science of balaghah, rhetoric and stylistics. The Light of Islam, 2018(1), 16. ;
4. Rustamiy, S. (2019). On significance of science of Balāğat in achieving linguisticaesthetic perfection. The Light of Islam, 2019(4), 14.
5. Safarov Sh. (2008) Pragmalingvistika. – Toshkent: O’zbekiston milliy entsiklopediyasi. 285 b.

6. Sodiqov Q. (2006) Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga kelishi va tiklanishi. – Toshkent: ToshDShI, 148- b.
7. O'zbek tili grammatikasi I. (1975) – Toshkent: Fan, 332-bet.
8. O'zbek tilining izohli lug'ati. (2006) Ikki tomli, 1-tom. – Moskva: Rus tili, 1981. 63- bet; O'zbek tilining izohli lug'ati. Besh tomli, 1-tom. – Toshkent: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti.117- bet.
9. Hojieva X. (2000) Kishilik olmoshlari va hurmat ma'nosi. O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, -№ 4. 37- b.
10. Axmanova O.S. (1966) Slovar' lingvisticheskix terminov. – Moskva.
11. Gaffarov M.A. (1976) Persidsko-russkiy slovar' 1. – Mockva: Nauka, Str. 279.
12. Djevdet-zade X. i Kononov A.N. (1934) Grammatika sovremennogo turetskogo yazika. – Leningrad, Str. 57-67;
13. Radlov V.V. (1893-1911) Opit slovarya tyurskix narechiy, 1-1V. S-Pb.; p.s. O Slove Xan- 11; -S.1662.
14. Sattarov G.F. (1975) Otchestva i kategoriya vejlivosti-pochtitel'nosti v sovremennoy tatarskoy antroponimii // Sovetskaya Tyurkologiya. – Baku.-№1, 80-86. Str. 82.
15. Xindi-russkiy slovar' (1972); Pod red. V.M. Besskrovnogo. – Moskva: Nauka, 1972. Str. 420.
16. Banguoğlu T. (1986) Türkçenin Grameri. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi. 1986. S. 356-371.
17. Bozkurt F. (1999) Türklerin Dili. – Ankara: T.C. Kültür Bakanlığı Yayınları. 1999. S. 42.
18. Büyük Lugat ve Ansiklopedi. (1971) – İstanbul: Meydan Yayınevi. 1971. S. 82.
19. Çağatay S. (2008) Türkçe'de 'Kadın' için Kullanılan Sözler // Prof.Dr. Saadet Çağatay'ın Yayınlanmış Tüm Makaleleri. C.1. – İstanbul: Ayaz Tahir Türkistan İdil-Ural Vakfı, S. 91.
20. Gencan T.N. (1971) Dilbilgisi. – İstanbul: Fen Fakültesi(Döner Sermaye) Basımevi. S. 214-228;
21. Göker O. (1996) Uygulamalı Türkçe II. – İstanbul: Milli Eğitim Bakanlığı Yayınları, S. 71-75.
22. Güntekin R. N. (1992) Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi. - 408 s.
23. Grönbech K. (1995) Türkçenin yapısı. Çeviren: Akalın M., – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları. S. 63.
24. Demircan Ö. (1977) Türkiye Türkçesinde Kök ve Ek Bileşimi. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, -126 s.
25. Doğan D.Mehmet. (1994) Büyük Türkçe Sözlük. – İstanbul: Ülke Yayınları, S. 1169.
26. Doerfer G. (1887) Türkischa und Mongolische Elemente im Neupersischen, 1, 1963; 11 1965; III, 1967, – Wiasfaden. P.s.141-183.; Hübschmann H. Etymologic und Lautlehre der Assetischen Sprahe. – Strassburg, 1887. -P. 133.
27. Ergin M. (2008) Türk Dil Bilgisi. – İstanbul: Bayrak Basım / Yayım/ Tanıtım, -407 s.
28. Hatiboğlu V. (1974) Türkçenin ekleri. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları. S.106.
29. Hengirmen M. (1995) Türkçe Dilbilgisi. – Ankara: Engin Yayınevi. S. 121
30. Korkmaz Z. (2007) Türkiye Türkçesi Grameri. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, - 1224 s.
31. Rasanen M. (1969) Etimologischen Wörterbuchs der Türk Sprachen. Versucheines – Helsinki. P. 154, 219.;
32. Türkçe sözlük 1 (1988) .A-J,. 2.K-Z. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basım Evi. S. 169, S. 909.
33. Ziema P. (1987) Some Remarks On Old Turkish Words For 'Wife', Türk Dili Araştırmaları Yıllığı, Belleten, – Ankara: TTKBE, 1992. S. 305-309.
34. QB – Yusuf Xos Xojib.(1971) Qutadg'u Bilig. Transkriptsiya va hozirgi o'zbek tiliga tavsif. Karimov Q. – Toshkent, Fan, -964 b.
35. Ç – Güntekin R. N. (1992) Çalıkuşu. – İstanbul: İnkılap Kitabevi, - 408 s.
36. KB – Yusuf Has Haçib. Kutadgu Bilig. (1991) Çeviri / Arat R.R – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, - 477 s.
37. Z.K – İzgü Muzaffer. (1995) Zıkkımın Kökü. –Ankara, Bilgi Yayınevi. -S. -291.